


Олимжон Давлатов



# МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

*Учинчи китоб*



Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар



ОЛИМЖОН ДАВЛАТОВ

# МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

*Алишер Навоий  
ғазаллариға шарҳлар*

Учинчи китоб

“Tamaddun”  
Тошкент  
2021

821.512.133.06(091)  
Д 13  
Давлатов, Олимжон.  
Алишер Навоий «Маънолар хазинаси» [Матн] Ж. 3: асар /  
О. Давлатов. – Тошкент: «Тамaddon», 2021. – 320 б.

УЎК 821.512.133.06(091)

**Масъул муҳаррир:**  
**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

**Тақризчилар:**  
**Бокижон ТЎХЛИЕВ,**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Дилнавоз ЮСУПОВА,**  
филология фанлари доктори

*Ушбу китобдан буюк шоир ва мутафаккир, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларига ёзилган шарҳлар ўрин олган. Ҳар бир ғазал луғат, насрий баён ҳамда шарҳ ва изоҳлар билан таъминланган. Умид қиламизки, Ҳазрат Навоийнинг сирру синоатга тўла бадиият оламига ошно этувчи ушбу шарҳлар ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини юксалтириб, ватанпарварлик ва миллатсеварлик руҳида камол топишига ижобий таъсир кўрсатади.*

ISBN 978-9943-5116-3-7

© Олимжон Давлатов, 2021.  
© «Тамaddon» нашриёти, 2021.



## **“ТАҚДИРДИН НЕ КЕЛСА, НАВОИЙ, ИТОАТ ЭТ...”**

*“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 111-ғазал*

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,  
Қолдег ўз оий ҳажрида мендек балоға чарх.

Гар хонумоним истамас эрди қора, недин  
Қилди асир ул кўзи, қоши қароға чарх?!

Фарҳод бирла Вомиқу Мажнун чиқиб эди,  
Солди мени алар авазии деб ароға чарх.

Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,  
Топмас анга ўзин неча қилса мароға чарх.

Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,  
Бечора қилди салтанат аҳлига доға чарх.

Ғам шомии борди ул қуёш андоқки гардини  
Топмас тилаб ўкуш кўз ила тўтиёға чарх.

Май тутки, фоний ўлди фалақдин баса бино,  
Ҳаргиз халал етурмади дайри фаноға чарх.

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида  
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт  
Ким, сен киби забун эрур амри қазоға чарх.



### ЛУФАТ:

- ▲ Ибтило – мубталолик, гирифторлик
- ▲ Чарх – осмон, фалак
- ▲ Аваз – эваз, бадал, гаров
- ▲ Мароға – улов ҳайвонларининг тупроққа думалаши
- ▲ Рев – ҳийла, найранг
- ▲ Ўқуш – кўп
- ▲ Жавф – бўшлиқ
- ▲ Забун – енгилган, асир
- ▲ Қазо – тақдир, қисмат

### НАСРИЙ БАЁН:

- Фалак мени бир ойдан айириб, балога гирифтор этди. Ўзи ҳам Ойнинг ҳижронида балога қолди.
- Чарх агар турмушим қора бўлишини истамаганида нега мени ул қошу кўзи қорага асир этди?!
- Фарҳод, Вомиқ ва Мажнунлар ўтмишда қолган эди, фалак уларнинг ўрнига мени ишқ майдонига солди.
- Ёрим не қуёшдирки, фалак ўзини садқа этиб минг кўйга солса ҳам, унга етишолмайди.
- Фалакнинг макр-ҳийласини кўрингки, ишқ кўйида султонларни гадоларга муҳтож ва бечора қилиб қўйди.
- Қуёшдай севимли ёрим ҳам шом бизни шундай тарк этдики, юлдузлардан минглаб кўзи бўлса ҳамки, унинг гардидан тўтиёликка ҳам тополма-япти.
- Май тутки, бу эски дайр – дунёда қанчадан-қанча обод бинолар вайрон бўлиб кетди, лекин фалак гардишига бундан ҳеч қандай халал етмади.

• Вафодор киши топа олмасанг, ажабланма, чунки бу фалак остида вафо қилиш удумига ҳеч ким ҳатто мойил бўлмади.

• Эй Навоий, тақдирдан нима келса, итоат қил, аслида бу фалак ҳам тақдири илоҳий қўлидаги бир нотавадир.

### ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур  
 – –V –V–V V– –V –V–  
 – –V –V–V V– –V –V–  
 Мафъўлу фоилоту мафойилу фоилон

### ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Оламни ижодий-ирфоний мушоҳада қилиш маслагини тутган шоир ушбу ғазалда ҳам анъанавий образ ва тимсолларнинг янги, номаълум қирраларини кашф этиб, хилма-хил поэтик тасвирлар орқали табиат ҳодисалари ва инсоний руҳият ўртасида бадий-мантиқий уйғунликларни идрок этишга йўналтиради. Золим ва ситамкорлиги билан ишқ аҳлини минг кўйга соладиган фалак лирик шеъриятнинг энг фаол тимсолларидан бири. Лекин ушбу ғазалда радиф вазифасини ҳам бажарган чарх ошиқнинг фироқ балосига гирифтор бўлишига сабабчи бўлгани учун бу қилмишининг жазосини ҳам тортади: фалакнинг ўзи ҳам Ой дийдоридан маҳрум қолади.

Ғазалнависликда ёрнинг жамолидан айри қолган ошиқнинг тунлари зимистон бўлиши кўп тасвирланади. Аммо ошиқнинг ойжамол маҳбубаси дийдоридан айрилиб қолгани учун чархи фалакнинг ўзи ҳам Ойдан бебаҳра қолиши – бу мутлақо янги топилма.

Шоир ушбу ҳазин лирик манзарани тасвирлаш орқали бу дунёда бирор амал жавобсиз қолмас, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам албатта қайтади деган ҳаётий ҳақиқатни ҳам назик ва жозиб равишда ифодалаган:

*Солди бир ойдин айру мени ибтилога чарх,  
Қолдег ўз ойн ҳажрида мендек балога чарх.*

Кейинги уч байтда ёрнинг қора қошу кўзлари туфайли лирик қаҳрамоннинг бошига тушган қора кунлари, оламда Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун каби шайдоликда шухрат тошгани, ёрнинг қуёшдек порлок чеҳрасига таъзим қилиш учун фалакнинг эгилиб қолиши чархга боғлаб ифода этилган. Шоирнинг тахайюл ва тафаккур оламидек бепоён эканини англатувчи чарх сўзи ёрнинг ҳусну жамоли ҳам, ошиқнинг иштиёқи ва изтиробининг шиддати ҳам, ишқ жувуви оқибатидаги шухрати ҳам кайҳоний миқёс касб этганини ифодалаш, Ишқ, Ошиқ ва Маъшукнинг бу нисбати оддий ҳодиса эмаслиги, балки осмоний-илоҳий ришталар орқали вобаста эканини англатиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Айниқса, қуйидаги байтдан шоир қуйлаган муҳаббат дастидан шоҳу султонлар ҳам тупроққа тенг бўлиб, зоҳир оламида Султон Маҳмуддек соҳибқиронларни Аёздек қулларга гирифтор бўлиши, энг муҳими, бу ҳолат инсонларнинг инон-ихтиёридан ташқарида – фалакнинг гардиши туфайли содир бўлиши юқоридаги фикрларни янада қувватлантиради:

*Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,  
Бечора қилди салтанат аҳлин гадога чарх.*

Кейинги байтдаги қуёш истиорасини турли маъноларга мажоз этиш мумкин. Наът ғазалларда қуёш

расулulloҳ (с.а.в.) тимсоли ўлароқ талқин қилингани, меърож кечасида унинг оти туёғидан чиққан гардини фаришталар кўзига тўтиё қилгани ҳақидаги бадиий-тасвирий манзараларга уйғун келувчи қуйидаги лирик лавҳа ҳам инсоният тарихидаги энг улугъ мусибат – пайғамбаримиз вафоти, ёинки у кишининг меросхўрлари бўлмиш муттақий бирор улугъ зотнинг фироқи муносабати билан битилган, дейишга асос беради:

*Ғам шоми борди ул қуёш андоқки гардини  
Топмас тилаб йқуш кўз ила тўтиёга чарх.*

Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби”да шундай насиҳат қилади: “Эй дарвеш! Дунё ва дунёнинг неъматларига кўнгил қўйма, умринг, соғлигинг, бойлигинг, мансабингга ишонма; Ой фалаки устида бўлган ашёларнинг бирортаси бир ҳолда собит қолмас; албатта, ўз ҳолидан эврилар. Яъниким, ушбу қуйи оламнинг аҳволи бир суратда қолмайди, ҳамиша айланишдадир, ҳар замонда бир қиёфага кирар ва ҳар соатда ўзга нақшда пайдо бўлади. Аввалги сурат ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмасдан, бошқа сурат пайдо бўла бошлаб, аввалги суратни йўқ қилади; оламнинг иши дарё тўлқинига ўхшар, ёхуд дарё тўлқинининг айнаи ўзидир. Оқил киши ҳеч қачон дарё мавжлари узра иморат қурмас ва яшашни ният қилмас”. Худди шу маъно Навоийнинг байтида бошқача баён этилган. Шоирнинг талқинига кўра, фалакнинг гардиши туфайли кўп бинолар, қасру равоқлар вайронага айланди; дарёлар биёбонга, биёбонлар бўстонга эврилди, аммо шунча қудратга эга бўлган фалак “дайри фано” – қалби огоҳ инсоннинг кўнглидаги маърифат ва муҳаббатдан бино бўлган қошоналарни вайрон эта олмади. Бу “фано дайри”нинг пойдевори – эътиқод ва итоатдан, деворлари – маърифат ва муҳаббатдан, эшиги – тавба ва ибодатдан бунёд бўлган:

Май тутки, фоний ўлди фалакдин баче бино,  
Харгиз халал етурмади дайри фанога чарх.

Дайри фанодаги маърифат шаробидан сархуш бўлган Навоий энди фалакнинг ўйинларига бош эгмайди. Унинг баланд боши фақат тақдири азал ҳукми олдида эгилиши мумкин. Фалак ҳам ўзи каби бир бечора экани, шунча азамати ва қудрати билан Қодир Аллоҳнинг олдида ҳакир ва нотавон бир яратик эканини англаган киши бошига тушган балоларни ризо ва таслимият билан қабул қилиб, асло исён ва итотсизлик этмайди. Машҳур авлиё Шоҳ Шужоъ Кирмоний айтади: "Сабрнинг учта белгиси бор: Аллоҳ таоло қазосига рози бўлади; ўз аҳволидан ҳеч кимга шикоят қилмайди; ниятини холис қилади". Навоийнинг мактаъда баён этган хулосасини авлиёлар сабридан бир нишона, деб баҳолаш мумкин:

*Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт  
Ким, сен киби забун эрур амри қазога чарх.*



## **"ДАЙР АРО ТИНДИ ҚУЛОҒИМ, РОҲИБО, ЗИКРИНГ БАХАЙР..."**

*"Ғаройиб ус-сиғар" девони, 112-ғазал*

Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,  
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,  
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё ҳаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,  
Ҳар каромоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд  
Қилғали, девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жухҳолдин  
Асру кўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун  
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муриди менки файзи ом эрур,  
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр  
Ким, саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади  
Ким, манга тартиб важҳи раҳни саҳбо қилди шайх.

## ЛУҒАТ:

- ▲ Нақд – бойлик, олтин
- ▲ Авқот – вақт, умр
- ▲ Яғмо қилмоқ – талон-торож қилмоқ
- ▲ Дом – тузоқ
- ▲ Мусалло – жойнамоз
- ▲ Банг – наша; наркотик модда
- ▲ Ифшо – ошкор, фош
- ▲ Каф – кўпик
- ▲ Жуҳҳол – жоҳиллар
- ▲ Асру – жуда
- ▲ Масх – шарманда
- ▲ Файзи ом – барчага умумий бўлган файз
- ▲ Алоло – ғалва
- ▲ Важҳ – қарз
- ▲ Раҳн – гаров
- ▲ Саҳбо – шароб

## НАСРИЙ БАЁН:

• Шайх хонақоҳда зикр ҳалқаси тузиб, кўп ғавғолар қилди ва кўнгил соҳибларининг олтинга тенг вақтини беҳудага кетказди.

• У ҳар қачонки кўлига тасбиҳ олиб, жойнамозини ёйса, элни сайд қилиш учун жойнамози – тузоқ, тасбиҳи – тузоққа сепилган хўракдир.

• Шайхнинг каромот ва мақомотлари аслида напаванднинг ҳаёлотини ёйиши хонақоҳга кўпроқ эҳсон тушириш учун айтилган ёлғондир.

• Шайх самоъ мажлисида оғзидан кўпик сачратиб, ҳар ёнга сакраб, паривашларни сайд қилиш учун кўп девоналиклар қилади.

• Шайх хилват жойда қорнини тўйғазиб, рўзаман

деб даъво қилган ҳолда кўп содда ва нодонларни ўзига маҳлиё этди.

• Аслида шарманда ва нодон кимса бўлиб, ўзидан ҳам нодонроқ бўлган кўп муридларга шайх бўлиб юрибди.

• Шайх одамлардан ҳаммага файз етказишни таманно қилади. Мен эса, барчага бирдек файз етказадиган дайр пирининг қулиман.

• Эй роҳиб, зикринг бахайр бўлсинки, сенинг дайрингда қулоғим тинди. Шайх ўз хонақоҳида саҳар пайти кўп ғалва-ғавғо қилиб ҳаммани безор қилди.

• Эй Навоий, шайх менга хирқасини бериб каромат айлади – менга шароб ичиш учун гаровга қўядиган бир нарсаси берди.

## ҲАЗАЛ ВАЗНИ:

Рамали мусаммани мақсур

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

## ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Шайх араб тилида кекса, оқсоқол, қавм ё қабила пешвоси маъносини билдиради. Алишер Навоий ижодида бу сўз луғавий маъносидан ташқари диний арбоб, мамлакатнинг дин соҳасидаги сиёсатига масъул шахс (“Шогирд агар шайхулисом, агар қозидур, устод андин агар рози бўлса, Тенгри андин розидур” (“Маҳбуб ул-қулуб”), тасаввуфнинг йирик намояндаси, тариқат пешвоси (“Насойим ул-муҳаббат” тазкирасидаги шайхлар) маъноларида ҳам

ишлатилади. Шунингдек, устозлик даражасига етган машхур шоирларни ҳам эҳтиром юзасидан Шайх нисбасини қўшиб зикр этган ҳоллари ҳам учрайди (Шайх Низомий, Шайх Саъдий, Шайх Санойи ва ҳ.к.). Умумий тарзда олганда, Навоий шайхлар ва шайхлик мақомига эришган зотларга ҳамиша ҳурмати баланд бўлиб, уларга самимий ихлосу муҳаббатини ҳам сўзда ва ҳам амалда изҳор этган.

Султон Ҳусайн Бойқаро замонида фикрий эркинлик муҳити борлиги сабаб Ҳиротда турли тариқатлар ва мазҳаблар бемалол фаолият юритишган. Бу эркинлик ва имкониятларни ўзича тушуниб, ном қозониш ва шуҳрат топиш илинжида сохта шайхлар ҳам майдонга чиқиб, турли равишда одамларни гумроҳ қилишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг айримлари ҳақида Навоийнинг ўзи ҳам маълумот бериб ўтади. “Мажолис ун-нафоис”да қайд этилишича, Мир Ҳайдар Мажзуб номли бир дарвеш ёшлигида илм-фан билан жиддий шуғулланган. Кейинчалик руҳий касалликка учраб, ўзини хотам ус-салтанат – энг сўнгги султон деб эълон қилади ва одамларни Султон Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтаришга даъват этади. Мавлоно Муҳаммад Араб деган дарвеш ҳам шундай даъво билан чиқиб, ҳатто одамларга қурол-яроғ тарқатишга ҳам ҳаракат қилган. Ҳусайн Бойқаро уни ёши катталигини ҳисобга олиб, мамлакатдан чиқариб юбориш жазоси билан кифояланади.

Навоий давридаги Ҳиротда Шайх Шох Зиёратгоҳий, Мавлоно Калон Зиёратгоҳий, Мавлоно Муҳаммад Тободжоний, Мавлоно Муҳйи, Мавлоно Алоуддин каби тариқатнинг содиқ ва собит намояндалари яшаб, халқни ўзликни англаш ва шу орқали Ҳақни таниш йўлига даъват этганлар. Шулар баробарида аҳолининг соф кўнгиллиги ва соддалигидан фойдаланиб, ҳар куни турли “кашфу каромат”лар кўрсатиб,

шайхликни мўмай даромад манбаига айлантирган кимсалар ҳам бўлган. Мутафаккир шоир бу тоифани энг ўткир ташбиҳ ва қалтис киноялар билан ҳажв этиб, диндорлар ва дин номига доғ туширадиганларга алданмасликка чақирган:

*Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,  
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.*

Матлаъда хонақоҳ, ҳалқайи зикр сўзлари келтирилганидан мазкур ғазалда тасаввуф даъвосидаги риёкор шайхлар ҳақида сўз бориши англашилади. “Аҳли дил” бундай ғавғони рад этишлари “Насоим ул-муҳаббат”даги бир ҳикоятни эсга солади: Мавлоно Тожиддин Аҳмад Шижоний деган сўфий кўнглида жаҳр зикрига (баланд овозда зикр тушиш) мойиллик пайдо бўлибди. Бохарздан Ҳиротга келиб, комил шайх талабига тушибди. Унга Хожалар тариқатининг муршидларидан бўлмиш Ҳазрат Мавлоно Саъдиддин Кошғарийни тавсия қилишибди. Сўраб-сўраб, шаҳар жомеъ масжидининг маҳалласига бориб, Кошғарий ҳазратлари эшигини топиб, бир лаҳза ташқарида кутиб турибди. Кўп ўтмай, Кошғарий ҳазратлари чиқиб, у кишини уйга олиб кирибдилар. Ичкарида муридлари ҳам бор эди. Мавлоно Тожиддиннинг иззатини жойига қўйиб, бир муддат суҳбатлашиб ўтиришибди. Сўз асносида Мавлоно сари боқиб, Кошғарий ҳазратлари дебдилар:

– Бу шаҳар подшоҳиниким Бобур дерлар, асли зоҳир оламининг подшоҳидир. Мулозимлардан бирики, унга кўп ихлоси бўлгай, ҳар куни эрталаб унга боқиб, густохлик билан баланд овозда “Бобур”, “Бобур” деб бақириб-чақираверса, шоҳга хуш келарми?!

Мавлоно Тожиддиннинг зикри жаҳрга бўлган мойиллиги бутунлай бартараф бўлиб, Мавлоно Кош-

гарийга мурид тушиб, нақшбандия тариқатида су-  
лукка машғул бўлибди.

Албатта, Алишер Навоий зикри жаҳрияни буткул  
инкор этмаган, балки оммага хуш келиш ва уларнинг  
диққатини жалб қилиш учун баланд овозда зикр  
тушадиган, намозни ҳам риёкорлик билан адо этув-  
чи, рўза тутмасдан, кўздан яширин жойда қорнини  
тўқлаб, ўзини доим рўзадордек тутувчи, муридлари  
ҳам ўзидек банги бўлган ёлғончи ва каззоб шайхларга  
нафратини очиқ-ойдин баён этган:


*Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,  
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.*

Бундай сохта шайхларнинг барча амаллари тўла-  
тўқис жаҳолат ва нодонлик бўлганига қарамасдан,  
уларнинг муридлари ва мухлислари кўп бўлиб, баъзи-  
да ҳақиқий шайхлардан кўра машхурроқ бўлишади.  
Чунки уларнинг мақсади – Ҳақ таолонинг қурбати ва  
розилигини қозониш эмас, балки ўзларига ўхшаган  
жоҳил ва нодон кимсаларни сайд айлашдир. Шай-  
тоннинг йўриғида юрадиган, билим ва тафаккурдан  
бебахра ҳамда диёнатсиз кишиларга ўз айбини ислоҳ  
қилишга даъват этиб, шахсий ўртак кўрсатадиган  
покният шайхдан кўра, арзимаган пул эвазига ҳар  
кимнинг қўлига “жаннатнинг паттасини тутқазади-  
ган” алдоқчи ва каззоб шайх яхши. Нодон кишилар  
алданишга мойил бўладилар. Улар ҳақиқий аҳволи-  
дан огоҳ бўлишдан кўра ғафлатда яшашни афзал деб  
билишади. Шу сабабдан, улар ўзига ўхшаган нодон  
ва риёкор шайхлар ҳузурига ошиқадилар:

*Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун  
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.*

Кейинги уч байтда Навоий бу риёкор шайхга “дайр  
пири”ни қарама-қарши қўйиб, унинг қилмишларини  
мадҳ этади. Ҳақиқий пир, ҳақиқий маънавий раҳна-  
монинг лутфу марҳамати, файзу баракати барчага  
бир хилдир. Комилликнинг намунаси бўлган бундай  
валисифат зотлар барчага шафқат ва меҳрибонлик  
юзасидан яхши муносабатда бўлиб, ҳаммага фақат  
маърифат ва эзгулик улашадилар. Айнан уларнинг  
файзу баракатидан олам барқарор, кўнгиллар обод-  
дир. Бундай зотларнинг ҳузурида ичилган маърифат  
бодаси тўфайли риё ва худнамолик хирқаларини тарк  
этиб, инсон ўз асли каби кўрина бошлайди. Аслият  
ва моҳиятга етишмоқ учун эса, маърифат бодасидан  
сипқормоқ зарур:

*Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади  
Ким, манга тартиб ваҷҳи раҳни саҳбо қилди шайх.*



## “ҲАЁТ ГУЛШАНИНИНГ СУНБУЛИДУРУР ҲАР ШОХ...”

*“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 113-газал*

Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,  
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.

Бошингдин айрилибон шох-шох ким кўрмиш  
Бу навъ сунбули тар бўлганин саросар шох.

Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв  
Ки, икки ёнидин айрилмиш икки ахзар шох.

Қадинг хиромида илгинг жафоси ўксумади,  
Ғариб нахлки, дойи манга берур бар шох.

Лабингки, бодайи лаъл андин оқти маст ўлғач  
Эрур мушобиҳи маржону анда аҳмар шох.

Қади ҳаётим эрур, урса тошу тортса тийғ,  
Бу нахлдин хуш эрур гар самардурур, гар шох.

Чу ёғди тоши Навоийга кўп шикаст ўлди,  
Қуруқ йиғочқа ёғиб жола синди аксар шох.

## ЛУФАТ:

- ▲ Муанбар – хушбўй, ифорли
- ▲ Сунбул – барглари бурама, ҳалқа-ҳалқа шаклидаги бир нав хушбўй ўсимлик
- ▲ Саросар – бошдан-оёқ, бутунлай
- ▲ Ахзар – яшил
- ▲ Илик – қўл
- ▲ Нахл – ниҳол
- ▲ Бар – ҳосил, мева
- ▲ Мушобиҳ – ўхшаш
- ▲ Аҳмар – қизил
- ▲ Самар – мева

## НАСРИЙ БАЁН:

• Майда кокил сочларинг ҳар томонга шох ташлаб, хушбўй ифор таратмоқда. Ҳар бир кокилинг ҳаёт гулшанининг сунбулидир.

• Кокилларинг ҳар томонга айрилиб, ифор таратмоқда экан. Бундай бошдан-оёқ шох ташлаган сунбулни ким ҳам кўрибди?!

• Расо қоматингга елвагай ташланган яшил тўнинг худди икки ёнидан икки шох яшнаб чиққан сарвга ўхшайди.

• Қаддинг хиром айлаганда қўлинг жафо қилишдан тўхтамади. Бу қандай ғаройиб дарахтки, ҳамиша шохлари мева бериб туради.

• Маст бўлиб, кўп ичганингдан гунча лабларингдан оққан лаъл рангидаги шароб қизил шохдаги маржон шодаларига ўхшайди.

• Агар менга тош отса ҳам, тиг билан урса ҳам, унинг қади менинг ҳаётимдир. Бу ниҳолнинг новдалари ҳам, мевалари ҳам ёқимли ва шириндир.

• Жала куйганда қуриган шохлар чидолмай си-  
ниб кетганидек, Навоий ҳам ёрнинг маломат тошлари  
беҳисоб ёғилганидан кўп шикаст топди.

### ҲАЗАЛ ВАЗНИ:

Мужтасси мусаммани махбуни мақсур

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилон.

### ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Ўн бешинчи аср Ҳирот адабий муҳитида сўзни  
қўллаш техникаси, лафзий санъатларни ишлатиш  
маҳоратига катта эътибор берилган. Умуман, мод-  
дий фаровонлик, иқтисодий тараққиёт ҳукм сурган  
жамиятда сўз қўллашга бўлган талаб ҳам шунга  
яраша нозиклашиб бораверади. Сарой муҳитига хос  
ҳашамдорлик, ҳар бир нарсани энг гўзал тарзда тақ-  
дим этиш малакаси, зийнат ва тақаллуфга ўчлик сўз  
мулкнинг фуқароларидан шундай муҳитга мос сўз  
тизмаларини яратишни талаб қилган. Шунингдек,  
ҳар бир ҳолатни шеърга айлантира олиш, умрнинг  
ҳар бир лаҳзасини бадиийлик либосида мангулик  
мулкига айлантириш малакаси ҳам катта истеъдод-  
ларнинг асосий вазифаси ҳисобланган.

Навоийнинг кичик замондоши – Зайниддин  
Маҳмуд Восифий ўзининг “Бадоеъ ул-вақоеъ” кито-  
бида хотирлашича, Убайдуллоҳон Шайбоний унга  
Мавлоно Жомийнинг энг гўзал ва бетакрор шеърий  
парчаларини танлаб беришни буюради. Бошқа бир  
шоир – Мавлоно Қатилийга ҳам айни шу топши-  
риқ берилади. Икки ижодкор бир-биридан хабарсиз  
тарзда Жомийнинг қирқдан ортиқ асаридан бир хил

бўлган ўнта шеърий парчани танлашади. Танланган  
байтларда Жомийнинг қандай фикр айтгани эмас,  
балки ўша фикрни қай йўсин айтганига кўпроқ эъти-  
бор қаратилган. Масалан, “Руҳи зард дорам зи дурии  
он дар” мисраси билан бошланган ҳазалнинг биринчи  
байти алоҳида-алоҳида ёзиладиган ҳарфлардан ту-  
зилган бўлса, иккинчи байтда ҳарфлар иккитадан,  
учинчисидан учтадан қўшилиб ёзиладиган ҳарфлардан  
иборат. Восифий ва Қатилий томонидан бир-биридан  
мустақил равишда Жомийнинг сўзни қўллашдаги  
маҳоратини кўрсатадиган шеърларнинг танланиши  
даврнинг адабий-эстетик мезонлари ҳақида муайян  
тасаввур беради.

Айниқса, қофия ва радиф тизимида янгиликлар  
киритиш шоир маҳоратининг асосий кўрсаткичла-  
ридан ҳисобланган. “Мажолис ун-нафоис”нинг сак-  
кизинчи мажлисида Султон Ҳусайн Бойқаронинг  
шоирлик маҳорати ҳақида фикр юритаркан, Навоий  
жумладан шундай ёзади: “Бу қофия ва радиф ҳам ул  
ҳазратнинг хосси таъбидур ва ҳеч ерда эшитилмай-  
дур ва баъоят ширин ва рангин тушубтур”.

Таҳлил қилинаётган ҳазалда “шох” сўзини радиф  
сифатида қўлланилиши ҳам Ҳазрат Навоийнинг  
“хосси таъби” эканини алоҳида таъкидлаш лозим.  
Мумтоз шеъриятнинг образ ва тимсоллар тизимида  
деярли қўлланилмаган шох сўзини образ даражасига  
кўтариб, ҳар бир байтда янги-янги тасвир ва таш-  
биҳлар қўллаш фақат мўъжизакор қалам эгаларига  
насиб этади:

*Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,  
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.*

Халқнинг жонли тилида ҳеч нарсадан тап торт-  
майдиган кишиларга нисбатан “шохи бор”, “шохи

чиққан” иборалари қўлланилади. Бу иборанинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Қадимда султон ё саркарданинг олдига истаган пайтда кириб, муаммоларини ҳал қила олиш ваколлатига эга бўлган кишилар дубулғасининг учи иккита чиқарилган. Искандар Зулкарнайн замонидан бери давом этиб келаётган бу удумга нозик ишора қилиб, Навоий ёрнинг ҳар томонга ёйилган кокилларини бутаб кетган сунбулга ҳам ўхшатади:

*Бошингдин айрилибон шох-шоҳ ким кўрмиш  
Бу навъ сунбули тар бўлганин саросар шох.*

Учинчи байтда елкасига яшил бир тўнни елвагай ташлаган хушқомат ёри билан икки ёнидан иккита шох яшнаб ўсган сарвнинг ўртасида мутаносибликни кўриб, мувотий (параллел) тасвирлаган. Айни чоғда, шеъринг таносубнинг ҳаётий замини байт жозибасини янада оширган. Гап шундаки, сарвнинг бир неча тури бор. Сарви сиҳий – икки ёнидан тик ўсадиган шохли бор сарв бўлса, сарви ноз – новдалари одам қўллари-дек икки томондан пастга мойил сарв туридир. Сарви озод эса шох-шаббасиз, тик ўсади. Байтда васф этилган ёрнинг қомати сарви сиҳий – икки ёнидан иккита шох ўсиб чиққан сарвга ўхшатилади. Сарвга ишлов беришда боғбонлар айнан иккита шохини қолдириб, қолганини кесиб ташлашларида ҳикмат бор: бундай сарв араб алифбосида “Аллоҳ” сўзига ўхшаб қолади. Басират кўзи билан оламу одамга назар солишга одатланган шоир ҳамма жойда илоҳийлик, поклик ва гўзаллик мазҳарларини кўриб, ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузишга бел боғлайди:

*Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв  
Ки, икки ёнидин айрилмиш икки ахзар шох.*

Кейинги байтда ҳам ёрнинг қомати васф этилади. Умуман, бу ғазалнинг уч байти ёрнинг қадди-қомати васфига бағишланган бўлиб, бу тавсифлар реал инсоннинг зоҳирий гўзаллигини васф этиш баробарида, мажоз тилида чуқур ирфоний маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилган. Ирфоний манбаларда қад пирнинг ҳайбати, ваҳдат (бирлик) тимсоли, Аллоҳнинг ягоналигини ифодаловчи мазҳар маъносида ҳам қўлланилади. Қад шакл юзасидан алиф ҳарфига ўхшайди. Алиф абжад ҳисобида бир рақамга тенг, шунингдек, ягона Аллоҳнинг тимсоли ҳамдир. Шу сабабли, ирфоний адабиётда ёрнинг қадди ҳақида сўз юритилганда Аллоҳ таолонинг якка-ю ягоналиги назарда тутилади. Айниқса, қуйидаги байтда “қад” сўзининг ўрнига Аллоҳ сўзи қўйиб ўқилса, мажоз – ҳақиқат кўпригига айланганига гувоҳ бўлиш мумкин:

*Қади ҳаётим эрур, урса тошу тортса тийғ,  
Бу нахлдин хуш эрур гар самардурур, гар шох.*

Мақтаъда шоир ўзининг ҳолатини табиий ҳодиса орқали далиллаштириб, ғазалга якун ясайди. Жала қуйилганда қуриган шохлар сингани каби, ёрнинг жафоларига чидолмаган ошиқ Навоий ҳам руҳан синади. Бу билан у яна бир чиройли ҳикматни уқтирмақчи бўлади: дўл ва жала ётганда қуриган шохлар синиб кетади, аммо бақувват шохлар бундан янада қувват олиб, мевалари ширинроқ бўлади. Демак, ҳаёт жафоларини торта олмаслик, бардош ва чидамсизлик ҳам катта айб саналса, бу синов ва балоларга чидаган киши каттароқ мукофот ва муваффақиятга эришиши мумкин. Навоийнинг ҳар бир ҳикмати, ҳар бир хулосаси ҳаётий ва ҳамиша долзарб:

*Чу ёғди тоши Навоийга кўп шикаст ўлди,  
Қуруқ йиғочқа ёғиб жола синди аксар шох.*

## “УЛ ЗАРРАДУРУР, СЕН – МЕХР, УЛ – БАНДАВУ СЕН – ХОВАНД...”

*“Фаройиб ус-сиғар” девони, 114-ғазал*

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,  
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки жамол ичра маъдум эди монанди,  
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,  
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул  
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Шаҳларға гадо андоқким келди бугун муҳтож,  
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонинга ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,  
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса,  
Ким эрнинга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча  
Асфори самовий дин бўлган киби йўқ Пожанд.

Не келса Навойиға сендин юз эвурмаским,  
Ул заррадурур, сен – меҳр, ул –бандаву сен –хованд.

## ЛУҒАТ:

- ▲ Силк – жавоҳир тизилган ип
- ▲ Волид – ота
- ▲ Маъдум – топилмас
- ▲ Парканд – бўлак-бўлак, парча-парча
- ▲ Тонгла – эртага; бу ерда: қиёмат кун
- ▲ Эҳсон – яхшилик
- ▲ Гесу – соч
- ▲ Узубат – ширинлик
- ▲ Эрн – лаб
- ▲ Асфори само – илоҳий китоблар
- ▲ Пожанд – Авестонинг тафсири, Позанд
- ▲ Меҳр – қуёш
- ▲ Хованд – хўжайин

## НАСРИЙ БАЁН:

• Эй Расулуллоҳ, башариятнинг илк аждоди бўлмиш Одам Ато суратда сенинг ҳам отанг бўлса-да, маъно юзасидан сенинг фарзандингдир.

• Ҳусну жамолда тенгсиз Юсуф ҳам малоҳат бобида сенинг ҳуснингга бас кела олмайди.

• Нафаси билан ўликларга жон бағишлаш мўъжизаси соҳиби бўлган Исо ҳам охирзамонда сенинг динингга киришини билгач, хурсанд бўлиб тирилди.

• Сен даврон чаманидан чиққан кунда гуллар юзини тирноқлари билан тирнаб ташлади.

• Бугун гадолар султонга қандай муҳтож бўлишса, қиёматда султонлар сенинг яхшиликларингга ҳожатманд бўлишади.

• Сочинг – мақсадга етказувчи силсиладир. Жонлар сенинг мажнунингдир, уларни бу занжир билан бандга сол.

• Сўзларинг ширинлик бобида шакарнинг устидан кулади, чунки сенинг лабларинг гўзал хулқ билан доимо табассум қилади.

• Сенинг каломингдан осмоний китоблар, худди улар нозил бўлганида Позанд ботил бўлгани каби, мансух – бекор бўлди.

• Навоий бошига нимаики келса, сендан юз ўғирмас. Сен бир қуёш бўлсанг, у заррадир, у бир гулом бўлса, сен унинг хожасидирсан.

### ҲАЗАЛ ВАЗНИ:

Ҳазажи мусаммани ахраб

--V V--- --V V---

--V V--- --V V---

Мафъўлу мафойилун мафъўлу мафойилун

### ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

“Дол” ҳарфи туркумидаги ғазаллар наът мавзусидаги ғазал билан бошланади. Дастлабки уч байтда талмиҳ ва ишора санъатлари етакчилик қилади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг исмлари ғазалда умуман қўлланилмаган ҳолда, турли образли ибора ва ўхшатишлар орқали охирзамон пайғамбарининг улугвор хислатлари васф қилинади. Матлаъда башарият аҳлининг отаси ҳисобланмиш Одам алайҳиссалом зоҳиран олганда пайғамбаримизга ҳам ота ҳисоблангани билан, маъно юзасидан у зотнинг фарзанди эканлиги баён этилган. Бундай фикр билдирилишига: “Эй Муҳаммад, агар сен бўлмаганингда бу оламлар ва ундаги одамларни яратмас эдим”, мазмунидаги қудсий ҳадис ёхуд “нури муҳаммадий” назариясини қувватловчи ҳадислар (“Аллоҳ таоло яратган илк нарсаси менинг нуримдир”) асос бўлиб

хизмат қилган. Қолаверса, бу дунёни яратишдан мақсад инсон экан, инсонларни яратишдан асл мурод – сарвари коинот (с.а.в.)нинг муборак вужудидир:

*Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,  
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.*

Кейинги байтда Юсуф (а.с.)нинг ҳусни малоҳат бобида хотамуланбиё жамолига тенглашолмаслиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу қиёс ҳам саҳиҳ ҳадис негизида шаклланган. “Қисаси Рабғузӣ”да келтирилишича, Ойиша онамиз (р.а.) бир куни расулulloҳдан ҳусн бобида ким гўзалроқ – у кишими ё Юсуф алайҳиссалом? – деб сўрайдилар. Пайғамбаримиз шундай жавоб берадилар: Биродарим Юсуф мендан гўзалроқдир, аммо мен у кишидан малоҳатлироқман. Зеро, у кишининг ҳусни оламга фитна солди, аммо мен барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилганман. Ҳадис мазмунидан маълум бўладики, Юсуфга берилган нафсоний истакларни янада кучайтиргувчи ҳусну жамолдан кўра пайғамбаримизнинг малоҳати, яъни дийдорининг қалбларга раҳмат ва сакинат бағишловчи гўзал сурати афзалроқ:

*Юсуфки жамол ичра маъдум эди монанди,  
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.*

Ислом таълимотига кўра, пайғамбарларнинг даражалари бор. Уларнинг фарқи ҳақида Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да шундай ёзади:

“Ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жабраил воситаси била келмиш бўлғай. Ва ғайри мурсал улким, илҳом ё туш била элга раҳнамоилиқ қилғай. Улулазм улдурким, бовужуди бу ики анга китоби осмоний келмиш бўлғай ва бошқа шарияти бўлғай”.

Бу уч тоифани расул, набий ва улул-азм ҳам дейишади. Биринчи байтда расул (Одам алайҳиссалом), иккинчи байтда набий (Юсуф алайҳиссалом) ҳақида сўз юритилган бўлса, учинчи байтда улулазм, яъни шарият соҳиби бўлган Исо пайғамбар (а.с.) ҳақида сўз юритилади. Қуръони каримда келтирилишича, Исо алайҳиссаломга ўликларга жон киргизиш мўъжизаси берилган. Шунингдек, у киши осмонга кўтарилиб, охирзамон яқинлашгунча Қуёш фалакида қолишлари, Дажжолни ўлдириб, сўнг исломга кирган ҳолда вафот этишлари ҳақида ҳадислар хабар беради. Навоий талқинига кўра, Исо алайҳиссаломга жон бағишлаш мўъжизаси, осмонга кўтарилиб, қиёматгача тирик қолишдан кўра охирзамонда шарияти муҳаммадияга эътиқод қилиш имконини топиш муҳимроқ ва аҳамиятироқ. Зотан, инсон боласи учун мусулмон бўлиб яшаш ва имон билан кетишдан улугроқ саодат йўқ:

*Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,  
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.*

Тўртинчи байтни пайғамбаримизнинг вафоти инсоният ва бутун борлиқ учун энг оғир мусибат бўлганининг шоирона талқини сифатида баҳолаш мумкин. Шунинг баробарида бу беназир зотнинг мотамида атиргул юзини тирнаб, тарам-тарам қилгани шунчаки бир ташбиҳ эмас, балки пайғамбаримиз мўъжизаларига боғлиқ бир тимсол эканини таъкидлаш лозим. Гап шундаки, атиргуллар оиласига мансуб бўлган бир нав гул “гули муҳаммадий” деб аталади. Манбаларда келтирилишича, ушбу гул пайғамбаримизнинг меърож кечасида оққан терларидан яралган. Салиб юришлари пайтида инглиз рицарларидан бири бу атиргулни Дамашқдан Европага олиб

боради. Шу сабабли, европаликлар уни Дамашқ атиргули деб эъзозлашади. Мазкур гулдан олинган ёғнинг бир килоси бугунги кун жаҳон бозорида 20 миллион долларга баҳоланади. Ушбу гулдан гулоб ва энг хушбўй атирлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, ушбу гулдан тайёрланган дамламалар тиббиётда юрак касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Гули муҳаммадий (ёки Дамашқ атиргули) бошқа пайғамбарларнинг мўъжизалари улар вафотидан кейин тўхталган бўлса, пайғамбаримизнинг мўъжизалари ҳозирги кунгача давом этиб келиб, одамларни у зотнинг нақадар табарруқ эканига комил ишонч билан қарашларига далил вазифасини ўтамоқда:

*Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул  
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.*

Тўртинчи байтда эса расулуллоҳнинг мўъжизалари фақат бу дунёда эмас, балки қиёматгача давом этишини англатувчи яна бир далил келтирилган. Бу мўъжиза қиёмат куни содир бўлиши ҳақида қатор оят ва ҳадислар мавжуд. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келтирилишича, қиёмат куни ўз умматини шафоат қилиб, Аллоҳ таолодан гуноҳларини сўраш имтиёзи фақат Муҳаммад расулуллоҳ (с.а.в.)га берилган. Номайи аъмоллар ёпилиб, хатоларни тузатиш учун бирор имкон қолмаган бир пайтда, ота-болалар, ака-укалар, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғ... ҳамма бир-биридан қочиб, фақат ўз ғами билан овора бўлган бир таҳликали ҳолатда биргина инсон ўз умматининг ғамини еб, Аллоҳ таолодан уларнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини мағфират қилишини сўрайди. Ўша куни бу дунёда даврон суриб, тиланчиларни назарга илмаган қудрат ва давлат соҳиблари, салтанат ва давлатнинг шавкатли устунлари ҳам озгина

савобнинг гадоси бўлиб, унинг шафоатидан умидвор бўлиб қолажаклар:

*Шаҳларға гадо андоқким келди бугун муҳтож,  
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонинга ҳожатманд.*

Исломда таркидунёчилик йўқ. Динни деб дунёдан, дунёни деб диндан воз кечиш бизнинг динимизда қаттиқ қораланади. Аксинча, диний мақсадларни рўёбга чиқариш учун мол-дунё тўплаш ва сарфлаш исломда тарғиб қилинади. Шу маънони тасаввуф тилида дунё маъносини билдирувчи “гесу” (соч) васфи орқали шоир қўйидаги тарзда назм қилиб, ислом динининг ҳаётийлиги, барча давру замон одамлари учун тўғри йўл эканлигини таъкидлаган:

*Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,  
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.*


Еттинчи ва саккизинчи байтлар пайғамбаримиз (с.а.в.)га берилган асосий мўъжиза – сўз мўъжизаси ҳақида. Дастлаб пайғамбаримизнинг шакардан ҳам ширин сўзлари, яъни ҳадислари у кишининг бутун башарият аҳлига намуна бўлган гўзал ахлоқларининг ифодаси эканлиги ҳақида сўз юритилади. Сўнг у киши орқали ваҳий қилинган оятлар олдинги шариатларни мансух-бекор қилгани, бошқа пайғамбарлардан фарқли равишда расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган шариат муайян бир қавм учун эмас, балки қиёматгача бутун башарият аҳли учун нозил бўлгани таъкидланади:

*Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса,  
Ким эрнинг эш бўлмиш ахлоқаро шаккар ханд.*

*Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча  
Асфори самовийдин бўлган киби йўқ Пожанд.*

Аллоҳнинг ҳабиби, Борлиқнинг моҳияти, комилликнинг олий намунаси, башариятнинг энг азиз фарзанди бўлган Муҳаммад расулуллоҳ (с.а.в.)га бўлган муҳаббат ва эҳтиром барчаникидан устун бўлиши керак. Дунё ва охират саодатига элтувчи йўлнинг сарбони бўлган бу зотга Навоийнинг ихлос ва муҳаббати ўзгача. Унинг қошида ўзини заррадек ҳисоблаган Навоий ислом таълимотининг зиёси баракотидан ўзи ҳам туркий халқларнинг маънавий қуёшига айланди:

*Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,  
Ул заррадурур, сен – меҳр, ул –бандаву сен –хованд.*



## “СЕНГА ЙЎҚ НАФСДЕК ДУШМАН, ҚИЛА ОЛСАНГ АНИ ҚИЛ БАНД...”

*“Фаройиб ус-сиғар” девони, 115-газал*

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлокидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла  
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни  
Топарсен, айла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳамдерсен,  
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?!

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил  
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бўлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма  
Ки бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,  
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,  
Навоий боғи назми шаккаристониде ул гулқанд.

## ЛУФАТ:

- ▲ Ноаҳл – худобеҳабар
- ▲ Парканд – парча, бўлак
- ▲ Панд – ўғит, насиҳат
- ▲ Бедил – ошиқ
- ▲ Лаззот – лаззатлар
- ▲ Воқиф – огоҳ
- ▲ Қайд – банд, тузоқ
- ▲ Монанд – ўхшаш
- ▲ Жаҳл – жаҳолат, нодонлик
- ▲ Дофиз – даф этувчи
- ▲ Гулқанд – атиргулнинг япроғи, гулоб ва шакар аралашмасидан ҳосил бўладиган бир нав шарбат

## НАСРИЙ БАЁН:

• Сен одамларнинг гўзал хулқидан хурсанд бўла-  
вермасдан, ўз хулқингни тузат. Бировнинг боласи  
сенга ҳеч қачон фарзанд бўлмайди.

• Замон аҳлидан алоқангни уз, агар мабодо  
муносабат ўрнатмоқчи бўлсанг ҳам, худобеҳабар  
кимсалар билан алоқа қилма.

• Кўнгил истакларидан воз кеч, агар менинг де-  
вона кўнглимни топгудек бўлсанг, юз бўлакка бўлиб,  
ҳар бир парчасини бир итнинг олдига сол.

• Одамлар насиҳатини олмай, яна халққа ўғит  
ҳам беришинг қизиқ. Агар ўзинг амал қилолсанг,  
бировга насиҳат қил, йўқса, сен ким-у, насиҳат  
қилишинг нимаси?!

• Бу ўткинчи дунёда агар шоҳдай фаровон-  
лик истасанг, фақирлик нони билан қаноат қилиб,  
шоҳлар даргоҳига муҳтож бўлма.

• Ўз нафсингға тобе бўла туриб, турли душман-

лар билан курашасан. Аслида нафсинг каби бирор душман йўқ, агар эпласанг, ўшани асир эт.

• Шакарлабларнинг табассумини кўриб, кўнгил бермаки, ошиқларни бу ширин табассумлар аччиқ йиғлатади.

• Дунё лаззатлари кўзингга ширин кўринади, аслида улар сенга тузоқдир. Бунга берилиб кетма, огоҳ бўлки, қайд (тузоқ) ва қанд деярли бир хил ёзилади.

• Агар кўнгилдаги жаҳолатни даф этишга даво истасанг, Навоий назми шакаристонида бундай гулқанд бор.

#### ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

#### ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

“Қирқ йил дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилдим, ҳеч нарсага эришолмадим. Хулқимни тузатишни бошладим, дунё кўз ўнгимда ўзгара бошлади”, деган экан машҳур авлиё Ҳасан Басрий. Ҳақиқатда, дунёнинг турфа ғиллу ғашларидан қорайган кўнгил кўзгуси воқеликни қандай бўлса, шундай қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлгач, кемтик ва нотўғри тасаввурлар ва таассуротлар кишини ҳаёт йўлида чалғитади, турли балолар ва боши берк кўчаларга етаклайди. Кўнгил кўзгусини поклашнинг энг ишончли йўли – бу, гўзал ахлоқ билан зийнатланишдир:

*Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.*

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий бир куни ўз пирлари Шайх Низомиддин Хомуш зиёратига бораётганларида йўлда шароб ичган бир киши йўлиқиб, у кишини гапга тутди. Ундан бир амаллаб қутулиб, пирнинг ҳузурига етганларида Шайх Низомиддин сўрайдилар:

– Шароб ичасизми?

Хожа Аҳрор:

– Йўқ, – деб жавоб берадилар.

Дейдилар:

– Йўқса, бу не ҳолдир?

Хожа Аҳрор:

– Йўлда бир маст йўлиқди, мени сўзга тутди.

Дейдилар:

– Демак, унинг бу ҳолати сенда қолибди.

Бу ҳикоят фақат кароматнинг баёни эмас, балки бунда ноқобил кишилар суҳбатининг қалб покланиши жараёнидаги салбий таъсири ҳам кўрсатилган. Инсоннинг руҳий тарбиясида у яшаб турган муҳит жуда катта таъсирга эга. Мавлоно Жалолиддин Румий ёмон суҳбатдошни заҳарли илондан ҳам баттар, деб бекорга таърифламаган. Ақлли одам заҳарли илондан қандай ҳазар қиладиган бўлса, ёмон суҳбатдошдан худди шундай ҳазар қилиши керак:

*Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла  
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.*

Ҳадиси шарифда келтирилишича, қалб бамисоли дарахтга ёпишган қуш пати каби беқарор: шамол уни гоҳ у ёққа, гоҳи бу ёққа ағдарадир. Ҳар лаҳзада турли истакларга тобе бўлиб, минг кўйга тушадиган

кўнгил соҳиби бўлган киши бировнинг насиҳатига қулоқ солмай, тагин ўзи бировларга ваъзхонлик ҳам қилиши ғалати ҳол. Насиҳат қилувчи одам буюрган нарсга энг аввало ўзи амал қилиши керак. Акс ҳолда унинг гаплари ёз булутидек самарасиз ва таъсирсиз бўлади:

*Эшитмай халқпандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?!*

Кўнгилнинг энг улуғ истакларидан бири – ҳукми-ни ўзгаларга ўтказиш, султонлик тахтини эгаллаш. Азизиддин Насафийнинг ақидасига кўра, “оқил кишининг миясидан энг охирги чиқиб кетадиган нарсга – амалпарастликдир. Бошқа барча одамлар бу балога гирифтордирлар, интиқлик дўзаҳида куйиб, ҳасад оловида жизғанақ бўладилар. Бу сўзларнинг далили шуки, бу дунёда ҳар бир киши ўзи ҳақида шундай фикрдаки, бу дунёда у бетакрор ва ҳеч ким унга тенг келолмайди. Ҳар бир киши ўзини бошқалардан кўра яхшироқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун бу дунёда фақат улуғ мартабаларга ўзини муносиб ҳисоблайди. Агар ўша мартабани бошқа киши банд қилиб турган бўлса, ҳасад оловида жизғанақ бўлади. Бу тоифа ҳар куни йиғинлару давраларда ўзларини мақтаб юрадилар, бошқалар ҳам уни мақташларини хуш кўрадилар; агар бошқа кишини унинг олдида мақтасалар, ранжийдилар”. Ушбу руҳий хасталикка даво сифатида қаноат ва фақирлик тавсия этилади. Бировга арзи эҳтиёж этмасдан кўнгилни озода тутган киши ҳақиқий подшоҳ – Аллоҳ таоло даргоҳида қурбат ва яқинлик топади:

*Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил  
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳоҷатманд.*

Инсон мақсадга етишиш йўлида турли тўсик ва тузоқларга, душман ва рақибларга дуч келади. Кўп ҳолларда аслида осонгина эришиш мумкин бўлган ишларда муаммолар кўпаяди. Бунинг сабабини бошқалардан эмас, ўзидан истаган киши шуни англайдики, оқил киши учун энг хавfli ва энг асосий душман – унинг нафсидир. Нафсининг қулига айланган киши умр аталмиш бебаҳо неъматни арзимас нарсга ва истаклар йўлида совуради. Энг ачинарлиси, мақсадга етдим деганида ҳам қониқиш ва ризолик ҳиссини туймасдан, аксинча қийноқ ва азоблари кўпаяди.

Ҳар бир нарсанинг бахти бирор нарсдан лаззат ва таскин олишдадир. Ҳар нарсанинг лаззати унинг табиати эҳтиёжидан келиб чиқади. Нафснинг табиати шаҳват, ғазаб ва ҳарислик экан, унинг эҳтиёжлари ҳам шунга қараб шаклланади. Чунончи, ғазабнинг лаззати ўз душманидан қасд олишдадир. Шаҳватнинг лаззати эса, ўз орзусидаги кишининг висолига етишишида, ҳарисликнинг лаззати – мол-дунё, амал-мансаб, шон-шухрат ва бошқа дунёвий неъматларга эришишда ҳосил бўлади. Ўткинчи нарсаларнинг лаззати ҳам бебаҳо эканини билган одам энг ашаддий душмани – ёмонликка ундовчи нафс устидан ғалаба қозонсагина, бошқа рақиблар ва душманлари устидан ҳам осонлик билан зафар кучади:

*Бўлуб нафсингға тобиғ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.*

Шу тариқа, нафс тарбияси йўлида уч муҳим офат – ғазаб, шаҳват ва очкўзликка қарши курашиш лозимлигини таъкидлаган Навоий бундай ўғитлар кўнгилга қувват берувчи гулқанд каби ақл эгаларига фойдали эканини таъкидлаб ғазалга якун ясайди:

*Кўнгулдин жаҳл ранжи доғи гар истасанг бордур,  
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.*

## “ҚАДАҲКИ ДАЙРДА ИСТАРМЕН, УШБУ КЎЗГУДИН...”

*“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 116-ғазал*

Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,  
Бу важҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,  
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Юзунгда ҳар саридин эгма қош эрур ёхуд  
Бут оллида ики ҳиндуға воқиф ўлди сужуд.

Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар,  
Ки раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Қадаҳки дайрда истармен, ушбу кўзгудин,  
Билинги, мугбача акси эрур манга мақсуд.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,  
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Дедимки суд қилай, жон бериб висоли учун,  
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд.

## ЛУҒАТ:

- ▲ *Важҳ* – сабаб
- ▲ *Дуд* – тутун
- ▲ *Сужуд* – саждалар
- ▲ *Габр* – оташпараст
- ▲ *Мардуд* – қувилган, ҳайдалган
- ▲ *Суд* – фойда

## НАСРИЙ БАЁН:

• Дарддан оҳ чексам агар, кўзгудек порлоқ юзингни ёп, чунки тутун ҳам яхшилар томон талпинди.

• Олам менинг оҳим тутунидан зим-зиё бўлди, агар сенинг тонгдек юзинг зиёси бўлмаса, бу тундек зулматни ёритмоқ имконсиз.

• Юзингдаги икки эгма қошларингми, ёхуд бутни кўриб саждага борган икки ҳиндуми?!

• Эй мусулмонлар, мени май ичди деб маломат қилманглар. Унинг раҳматидан оташпарастлар ва жуҳудлар ҳам умидвордир.

• Дайрда кўзгудек порлоқ қадаҳ истаганимдан мақсад – мугбача чехрасининг аксини унда мушоҳада этмоқчиман.

• Ёрнинг кўйидаги итлари мени кўп фиғон чеканимдан қувиб солдилар. Ҳа, кўп улийдиган итни одамлар ҳайдаб соладилар.

• Висоли эвазига жон бериб, шу тариқа фойда қилмоқчи эдим. Эй Навоий, фироқида умр ҳам поёнига етди, энди бу интилишлардан не фойда?!

## ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун файлун.

## ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Алишер Навоийнинг ғазалнависликдаги икки устози – Хожа Ҳофиз Шерозий ҳамда Абдурахмон Жомий девонларида ҳам айна шу вазн ва қофия тизими асосида яратилган ғазал мавжуд. Хожа Ҳофиз Шерозийнинг ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланиб, мазмун эътибори билан мадҳ ғазаллар туркумига киради:

*Кунун, ки дар чаман омад гул аз адам ба вуҷуд,  
Бунафша дар қадами ӯ ниҳод сар ба суҷуд.*

(Мазмуни: Энди, чаман ичра йўқликдан борликка қадам қўйган гул пойига бинафша бошини қўйиб, сажда қилди).

Ҳофизнинг ғазали шоҳ Шужоънинг вазири Имодин Маҳмуд мадҳида ёзилган бўлса, унга издошлик қилган Мавлоно Жомий ўзи мадҳ этган инсон сифатини матлаънинг ўзидаёқ келтириб, унинг мадҳаси султонга бағишланганини маълум қилган:

*Таронаҳои таҳийят, сурудҳои дуруд,  
Нисори мажлиси султони оқибат маҳмуд.*

(Мазмуни: Дуои салом тароналари ва қўшиқлари оқибат султони Маҳмуд мажлисининг соҳиларидир).

Навоийнинг ғазали эса, салафлариникидан фарқли равишда муҳаббат мавзусида битилган. Дастлабки байтда муҳаббат дарди ва иштиёқнинг шиддати ва кўлами ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун фалакчача ўрлаб, бутун оламни зимистонга айлантиришга қодир бўлган ошиқнинг оҳ тутуни ҳақида сўз боради:

*Ёл ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,  
Бу ваҷҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.*

Умуман, ишқ маснадида оҳ чекишга алоҳида аҳамият берадилар. Дунёдаги жамики ширин сўзлар, совға-саломлар, қаҳрамонлик ва фидоийликлардан кўра чин кўнгилдан чеккан бир оҳнинг таъсири ва натижаси ўзгача бўлишини билганлар валийлик мақомига эришган. “Тазкират ул-авлиё”да келтирилишича, бир куни Шайх Суфён Саврий ҳузурда бир йигит:

– Бу йил ҳажга боролмадим. Ҳар йили борардим, бу йил насиб қилмади, – деб оҳ урарди.

Шайх деди:

– Мен умрим давомида тўрт марта ҳаж қилибман, унинг савобини сенга берайин, сен бу чеккан “оҳ”нинг савобини менга бергил!

Йигит қабул қилди. Кечаси Суфён Саврий тушида дедилар:

– Эй шайх, кўп фойдалар қилдинг, агар у “оҳ”нинг савобини тарозига солиб тортсалар, Арафот тоғида таовф қилганларнинг савобидан оғир келарди! (216-217 бет)

Ошиқнинг бутун вужудини Ишқ дардига айланди.

тирган бу муҳаббат ҳақиқатга элтувчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Маҳбубанинг тонг каби мусаффо ва пок чеҳраси ошиқнинг оҳидан зулумотга айланган жаҳонга яна нур ва зиё бағишлайди, умид чароғини ёқиб, ҳақиқий муҳаббат мазҳари – қуёшдан мужда келтиради:

*Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,  
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.*

Май васфига бағишланган икки байтни ўзаро вобасталикда изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Биринчи байтда май ичгани учун аҳли исломдан узр сўраб, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳаттоки оташпарастрлар ва яҳудийлар ҳам умидвор эканига оид узр оқловчи далил сифатида келтирилади. Бу далиллаш аслида Қуръони каримнинг “Зумар” сурасидаги қўидаги оятининг мазмунига ишорадир: Ло тақнату мин раҳматиллоҳ...(Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмагиз!).

Аммо бу байтнинг зоҳирий маъносига таяниб, Навоий чоғир ичгани учун замондош мусулмонлар қўлига тушиб, узрхоҳлик қилган, деб ўйламаслик керак. Негаки, кейинги байтда у ичган шароб аслида маърифат шароби экани, шароб солинган қадаҳ (ориф қалби)да у муғбача акси, Ҳақ таоло нурининг тажаллийсини мушоҳада этиш унинг асл мақсади эканини айтиб, сўз биз “гумон қилгандан ўзга жому май” ҳақида кетаётганини аниқ уқдириб ўтган:

*Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар,  
Ки раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.*

*Қадаҳки дайрда истармен, ушбу кўзгудин  
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.*

Кейинги байтда ҳусни таълил санъатининг ёрқин намунасини учратамиз. Кўп ҳурган итти одамлар қувиб солиши далилини келтириш орқали шоир ўз ёрининг қўидаги итлар билан элдош, бир қавмдан эканлигига нозик ишора қилиб ўтган. Ит мумтоз шеърятда вафо ва садоқат тимсоли ҳам ҳисобланиб, вафодорлиги учун эгасидан ҳеч нарса талаб қилмаслиги хислати билан ишқу ошиқлик қиссасининг қаҳрамонларидан бирига айланган. Ит ёрнинг остонасида хорлик билан кун кечирса ҳамки, унинг қўини ёмон кўзлар ва ёмон каслардан асрайди, унинг муҳофизи бўлади, зарурат бўлганда жонини ҳам фидо қилади. Фироқда ҳаёт кечириб, дийдоридан бенасиб бўлган ошиқ учун ёрнинг қўидаги ити бўлиб ҳам яшаш улуг саодат. Шунга ҳам эришмагандан кейин, висолга етишмоқ учун Фарҳоду Мажнун каби жондан кечиш афзал:

*Дедимки суд қилай, жон бериб висоли учун,  
Навоиё, чу фироқда умр кечти, не суд?*

## “ХАРОБОТУ МУНОЖОТ АҲЛИНИНГ МАТЛУБИ СЕНДУРСЕН...”

*“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 117-ғазал*

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,  
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа заҳрам йўқ,  
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушқил эрмиш асрамоғлиғ дуд.

Яда тошига қон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,  
Ёғар ёмғурдек ашқим чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,  
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,  
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрим, боре  
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон  
бўлмади мавжуд.

Туну анжум дема давронга роҳат қилмасун деб майл  
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,  
Манга кўрсатмасанг йўл, билмайин қай соридур беҳбуд.

Навоий, Катъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб  
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо ҳувал-мақсуд.

## ЛУҒАТ:

- ▲ Суд – фойда
- ▲ Барқ – чақин, яшин
- ▲ Заҳра – журғат
- ▲ Яда тоши – ёмғир чақириш учун қўлланилади-  
ган сеҳрли тош
- ▲ Доғ қўймоқ – қуллар баданига қизиган темир  
билан қуллик тамғасини куйдириб қўймоқ
- ▲ Масдуд – тўсилган
- ▲ Анжум – юлдузлар
- ▲ Гардун – фалак, осмон
- ▲ Қийрандуд – тим қора, тим қоронғу
- ▲ Беҳбуд – яхшилик
- ▲ Мисра таржимаси: Мақсад водийсини кездик  
ва тилаганимизни топдик

## НАСРИЙ БАЁН:

• Висолингга етишганлар меҳробдек эгма қошинг-  
ни мақсуд қибласи айламиш. Мен ҳажрингда қолгач,  
бошимни юз марта ерга урсам ҳам, не фойда?!

• Ичимда муҳаббатнинг юзлаб чақинлари чақнаб  
турибди, аммо бир нарса дейишга журъатим етмас.  
Уй ичига ўт солиб, тутунини чиқармаслик жуда  
мушқул иш.

• Эй соқий, яда тошига қон тўкилиб, ёмғирни  
чақиргандек қачонки сенинг лаълдек лабингга шароб  
тегса, менинг кўз ёшларим ёмғир каби равон бўлади.

• Кўнглимга қуллик тамғасини босиб, кўнглимни  
дардингдан бир нафас халос қилдинг. Гўё гадога бир  
танга бериб, уни хушнуд этдинг.

• Фариштадай ёш болаларнинг бошимга отган  
тошлари жунунимнинг нишонаси бўлса, бу тошлар  
билан ақл эшикларини буткул ёпиш муносибдир.

• Гул хазон бўлиб, япроқлари тўкилди, булбул ҳам оҳу нолаларини бас қилди. Шукурларким, сенинг хуснинг ва менинг ишқимда бу каби бирор нуқсон кўринмади.

• Сен буларни тун ичра юлдузлар дема, балки тақдир бу замон аҳли роҳат-фароғатга майл қилмасин деб, фалакни қийр, яъни кўмирдай қора кукун билан суваб, юлдузлардан гулмих қоқиб қўйди.

• Майхона ва хонақо аҳлининг талаб ва истаги Сенсен. Ўзинг йўл кўрсатмасанг, яхшилик қайси томонда эканини билмайман.

• Эй Навоий, Каъба зикрини қўй, биз фано дайри-ни истаб мақсад водийсини кездик ва тилаганимизни топдик.

#### ҲАЗАЛ ВАЗНИ:

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V --- V --- V ---

V --- V --- V --- V ---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

#### ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Қошни меҳробга ўхшатиш Шарқ мумтоз адабиёти-нинг қадимий анъаналаридан. Деярли барча шоирлар бу ташбиҳ ва истиорадан фойдаланган. Жумладан, Навоий шеъриятида ҳам бу ўхшатишга жуда кўп маротаба дуч келиш мумкин. Шоирнинг маҳорати бундай анъанавий ўхшатиш заминидан янги маъно ва мазмун, янги ранг ва тасвирни топа билишида на-моён бўлади. Навоий ушбу байтда ҳам ишқий ва ҳам ирфоний маъноларни янги равиш ва тарзда ифода-лаш учун меҳроб тимсолидан фойдаланган. Зоҳирий маънога кўра бошқалар ёрнинг висолига эришгани

сабабли, ошиқнинг эндиги зору таваллолари беҳуда экани баён этилган бўлса, ирфоний талқинга кўра, агар Ёри азалнинг лутфу инояти бўлмаса, ўз ҳолига ташлаб қўйилган банданинг масжид меҳроби қоши-да юз марта бошни саждага қўйганидан ҳеч қандай фойда йўқ, деган маъно келиб чиқади. Бу маънолар бир-бирини тўлдирган ҳолда янги бир ҳулосани илгари суради – севги бобида ҳам, ибодат ва тоат йўлида ҳам агар риё ва таъмасиз муҳаббат ҳамда чин ихлос бўлмаса, барча амаллар ва ҳаракатлар самарасиз бўлади. Барча амаллар ниятга боғлиқлиги ҳикматини ушбу байтдан ҳам англаш мумкин:

*Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,  
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.*

Иккинчи байт матлаънинг мантиқий давоми бўлиб, унда ҳаётий бир манзара билан ошиқнинг ички кечинмалари ўртасидаги ўхшашлик акс этган. Уйнинг ичидаги ўчоқ ё шунга ўхшаш махсус жойда ўт ёққан маҳалда ҳаво етишмаганидан тутаб қолиши билан ишқини сир тутган ошиқнинг юрак сиқилиши ўртасида ажиб ўхшашлик топилган. Уйнинг эшиги ё деразасидан тоза ҳаво кирганида, ёхуд пуфлаганда (дам урганда) тутаб ётган олов бирданига гуриллаб ёнгани каби, ёр томондан умидбахш бир насим эсгудек бўлса ёхуд бу ишқ сирри опкор бўлгудек бўлса, кўнгилда ишқ оташи аланга олиб, ошиқнинг кулини кўкка совуради:

*Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа заҳрам йўқ,  
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрамоғлиғ дуд.*

Учинчи байтда туркийлар ҳаётига хос удумга ишора қилинганига гувоҳ бўламиз. “Алишер Навоий қомусий луғати”да берилишича, туркий қавмларнинг

тотеми ҳисобланмиш яда тоши ёмғир чақириш учун қўлланиладиган сеҳрли тош ҳисобланади. Қурғоқчилик бўлган пайтларда сеҳрли дуоларни билган ядачи яда тоши устига бирор жонлиқ қонини оқизиб, махсус дуолар ёрдамида ёмғир чақираркан. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Амир Темурнинг машҳур “Лой жанги”да мағлубиятга учраганига Илёсхўжанинг ядачиси яда тоши ёрдамида кучли жала ёғдиришининг сабаб қилиб кўрсатилиши туркийлар орасида исломдан аввал мавжуд бўлган бу одат ўрта асрларда ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаганлигини билдиради.

Алишер Навоийнинг ушбу байтида яда тоши бадий тимсол даражасига кўтарилган бўлиб, ташбиҳи музмар ҳамда ҳусни таълил санъатлари воситасида ёрнинг қизил лаби яда тошига ўхшатиш:

*Яда тошига қон етгач ёғин ёғқондек, эй соқий,  
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.*

Кейинги байтда ўрта асрлар ҳаётига хос бўлган яна бир одат – қуллар баданига қизиган темир босиб, тамға қўйишдан лирик лавҳа яратиш ҳодисасига дуч келамиз. Байтга кўра, ошиқнинг кўнглига қуллик тамғаси босилгач, унинг дард талабида бўлган истаги тингандек бўлади. Аммо бу тиниш, осойишталик – тиланчининг бир дирам олганда хурсанд бўлиши каби қисқа давом этувчи жараён. Гадоё садақа олганда бир лаҳзагина қаноат ҳосил қилиб, яна тиланчилигини давом эттиргани каби, ошиқнинг кўнгли ҳам муҳаббат доғи қўйилгандан кейин бир лаҳза ором топиб, сўнгра дард талаби бадтар шиддатли тус олади. Бу мажнуншевалик ақл эгалари томонидан албатта рад этилади. Ишқ кўйида гўдакдек ҳисобланган бу тоифанинг маломат тошлари ақл эшигига тамба бўлишини истаб, шоир ёзади:

*Чу кўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,  
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.*

*Жунун бу бўлсаким ёғди парийваиш тифллар тоши,  
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.*

Кейинги байтнинг мазмунини яхшироқ англаш учун “Лисон ут-тайр”даги бир ҳикоятни эслаш фойдадан холи бўлмас. Достонда келтирилишича, ҳаким Арастунинг заковатли бир шогирди бўлиб, Арасту уни ўз ўрнига тарбиялаб, Искандарнинг энг яқин маслаҳатгўйига айлантормоқчи бўлади. Шогирд бир куни бир соҳибжамолга ошиқ бўлиб, таълим олиш ва илм ўрганиш ўрнига ишқ кўйида салкам девона бўлиб қолади. Арастунинг насиҳатлари унга таъсир қилмагач, ночор бир ҳийлага қўл урилади: соҳибжамол шогирдга никоҳлаб берилиб, сўнг йигит Искандар ҳузурига сафарга юборилади. Арасту шогирд йўқлигида соҳибжамолга сурги дори бериб, унинг қайт қилган балғам, сафро ва қонларни сақлаб қолишни буюради. Саноқли кунларда қиз беҳол бўлиб, рангида ранг қолмай, бадбашара бир нусхага айланиб қолади. Шогирд сафардан қайтиб келиб, ёрининг жамолидан асар ҳам кўрмай, изтиробга тушади. Арасту қайт қилинган идишларни келтириб, ёрининг гўзаллиги аслида мана шу балғам, сафро ва қонлардан иборат эканини кўрсатади:

*Деди: – Олғилким паризодинг будур,  
Гул жабинлиқ сарви озодинг будур.  
Будур улким мубтало бўлмиш эдинг,  
Ошиқу вола мунга бўлмиш эдинг!*

Шогирд устози олдида хижолат тортади. Арасту жисмоний гўзаллик ўткинчи экани, пок киши

бундай бебақо гўзалликларга маҳлиё бўлмасликни таъкидлайди:

*Бўйла ошиқликдин, эй олуида зот,  
Пок ишқ аҳли қошиндадур уёт!*

Айни шу хулоса ғазалда бошқача бир тарзда баён этилган. Ғоғдаги гуллар хазон бўлгач, булбуллар ҳам нола чекишни тўхтатади. Аммо ошиқ шоирнинг муҳаббати маҳбубасининг ҳусни каби мангу ва безаволдир. Мангу ва боқий ҳусн соҳибига бўлган муҳаббат ҳам булҳаваслик ва иддаолардан холи бўлади:

*Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрим, боре  
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.*

Мутлақ ҳусн соҳиби жамийки ошиқлар кўнглини макон тутмиш. Хароботу муножот аҳли, тавҳид аҳли ва бутпарастлар, оламдаги барча мавжудот Ҳақ таоло ишқидан ўз қурби ва ҳимматига кўра баҳраманддир. Қайси бири ҳақ ва тўғри йўлда эканини унинг Ўзи белгилайди. Истаган кишига нажот бериб, истаганини ҳалокат водийсига етаклайди. Шунинг учун бу йўлда фақат ўзидан мадад истаб, мақсаддан чекинмаслик лозимлигини таъкидлаган ҳолда Навоий ғазалга якун ясайди:

*Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,  
Манга кўрсатмасанг йўл, билмайин қай соридаур беҳбуд.*

*Навоий, Қазба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб  
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо хувал-мақсуд.*



## **“ГУЛ ЯФРОҒИ ТИРНОҒЛАР ЭРУР БУ ЧАМАН ИЧРА...”**

*“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 118-ғазал*

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму  
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд?

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз румузин,  
Гўёки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб тез бўлур кўнгли жафоға  
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,  
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлугни киши дафн эта олмас вале ҳар кун  
Юз тийғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,  
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,  
Ҳар одамиким, бўлса анинг ёри парийзод.

## ЛУҒАТ:

- ▲ Насрин – оқ хушбўй гул
- ▲ Сунбул – барглари ҳалқа-ҳалқа бўлган қора рангдаги хушбўй ўсимлик
- ▲ Сайд – ов, шикор; овланган, қўлга тушган нарса
- ▲ Сайёд – овчи
- ▲ Румуз – рамзлар, тилсимлар
- ▲ Итимоқ – кескир бўлмоқ
- ▲ Фўлод – пўлат

## НАСРИЙ БАЁН:

1. Эй юзлари насрин гулидек оппоқ, сочи ҳалқа-ҳалқа, қади шамшоддек расо нигорим! Сенинг фи-роқингда ишим булбул каби нола-фарёддир.

2. Кўнгил кўзларингга сайд бўлди-овланди, эвоҳ, икки сайёд, яъни овчи қасд қилган бир қуш қутулиб кета олармиди?

3. Ноз ва ишва сирларини ўқиган мактабингда устозинг вафодорлик қондасини ўргатмаганга ўхшайди.

4. Ёр менинг кўз ёшларимни кўриб, жафони яна ҳам кучайтирди. Ҳа, сув бериб тобланмаган пўлат кескир бўлмайди.

5. Фарҳод тоғ бағрини қанча кесса ҳамки, бу захмлар юрагидаги жароҳатларининг мингдан бири ҳам эмас.

6. Ўликларни кўмиш имкони йўқ, аммо ҳар куни жаллод кўзларинг ишқингда ўлганларни юз тиг билан чопиб ташлайди.

7. Бу чамандаги гул япроқлари аслида булбулнинг қанотларини юлиб ташлайдиган беҳисоб тирноқлар эрур.

8. Башарти, кимнинг ёри паризод бўлса, Навоий каби девоналик қилса, не ажаб?!

## ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи максур

--V V--V V--V V--

--V V--V V--V V--

Мафъўлу мафъийлу мафъийлу фаўлон

## ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Араб адабиётшуноси Саккокийнинг “Мафотих ул-улум” асарида келтирилишича, ташбихлар ўз мазмун-моҳиятига кўра икки хил – табиий ва ҳиссий-ақлий бўлади. Агар бирор нарса реал ҳаётдаги бошқа бир нарса ё ҳодисага ўхшатилса, бундай ташбихлар табиий ҳисобланади. Агар ўхшатиладиган нарса моддиятга дахлдор бўлмаса, инсон буни ўз ақли ва идроки, тасаввурида жонлантириб, ўхшалган ва ўхшатишган ўртасидаги муносабатни англаши туфайли бундай ташбихлар ҳиссий-ақлий ҳисобланар экан.

Навоийнинг ушбу ғазали табиий ташбихлар силсиласи билан бошланади: ёрнинг юзи оппоқ насринга, қоп-қора ва жингалак узун сочи – сунбулга, расо қадди-қомати – шамшодга ўхшатилади. Ошиқнинг эса, яшнаган чаманда гулининг ишқида нолалар қилаётган булбулга ўхшатилиши ҳам мазкур ташбихлар силсиласини янада мукамал қилиб, яхлит ва ғўзал тасвирни ҳосил қилади:

*Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.*

Табиий ҳаётдан олинган жонли ўхшатишлар кейинги байтларда ҳам давом этади: бир байт кўн-гил қуши икки сайёд кўзнинг чангалига тушгани ҳақидаги лавҳа бўлса, бошқа бир байтда кескир пўлат ханжарини тайёрлашда қизиган темирни сувда тоблаш жараёни ошиқнинг тўкилган ёшларидан маъшуқанинг аччиғи келиб, жаҳли чиқиши билан мантиқий боғланган. Поэтик фикр халқона мантиқ, табиий манзара мутаносиблиги асосига қурилгани ҳисобига байтнинг бадииятини таъминлаган. Шу билан бирга, бундай чиройли тасвирлар лирик кай-фият ва драматизмни янада жонлантириб, ўқувчига бошқача завқ улашади.

Бешинчи байтда Навоий энг яхши кўрган тимсоли – Фарҳод образига мурожаат қиламиз. Биламизки, айнан Навоий шарофати билан Фарҳод адабиёт ола-мида Мажнун, Вомиқ, Ромео, Онегин ... каби пок муҳаббат ва садоқатнинг мангу бир тимсолига айлан-ган. Мазкур байтда ҳам шоир Фарҳоднинг тошкесар-лик ҳунарига ишора қилиб, бу ҳунари ортида чеккан машаққати ишқ водийсидаги азоблари олдида ҳеч нарса эмаслигини таъкидлайди. Бу орқали жисмга оид машаққатларга нисбатан руҳий изтироб ва дард минг чандон кучли бўлишини, инсоннинг зоҳирига эмас, балки ичидаги дарду аламларига қараб баҳо бериш лозимлигини уқтиради:

*Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,  
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.*

Мавъиза байтида шоир ўзининг фалсафий қарашларини ифодалаш учун матлаъда қўлланилган булбул ва гул тимсолларига қайта мурожаат қилади. Ҳазалнинг бошида булбул – ошиқнинг, гул – маҳбу-банинг тимсоли сифатида ошиқона мазмунни ифода-

лаш учун қўлланилган бўлса, мавъиза байтида гул – дунёнинг, булбул – дунёга ошиқ кишининг рамзи ўлароқ берилади. Шоир ушбу байтда дунёнинг бева-фолиги, дунёга кўнгил қўйган киши севиклисининг қурбони бўлишини айтиб, бақоси йўқ нарсаларнинг вафоси ҳам бўлмаслигини таъкидлайди. Ўткинчи дунёда умр аталмиш бебаҳо неъматни булбулнинг патларидек ҳавога совурмаслик учун ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлаб, шоир ёзади:

*Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,  
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.*

Дунёга кўнгил бермаслик малакасини ҳосил қил-ган киши ғайб оламига тегишли Ёрнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Бундай муҳаббат Ёрнинг Ўзи каби мангуликка дахлдор бўлгани сабабли, жунуни ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Ишқ жунуни – ақл жу-нуни эмас. Ишқ барча чегаралар, тўсиқлар, мезон ва меъёрлардан устун турадиган туйғу. Бундай туйғудан насибадор бўлган киши Навоий каби чексиз дард ва хайрли оқибатга мустаҳқидир:

*Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,  
Ҳар одамиким, бўлса анинг ёри парийзод.*

## Мундарижа

|                                                                        |     |
|------------------------------------------------------------------------|-----|
| 111-ғазал. Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх.....                | 3   |
| 112-ғазал. Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавго қилди шайх.....           | 9   |
| 113-ғазал. Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох.....              | 16  |
| 114-ғазал. Одамки, башар насли силкига эрур пайванд.....               | 22  |
| 115-ғазал. Сен ўз ҳулқунгни түзгил,<br>бўлма эл ахлоқидин хурсанд..... | 30  |
| 116-ғазал. Ёп ул юз ойинасин чексам охи дардолуд.....                  | 36  |
| 117-ғазал. Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш<br>қиблайи мақсуд.....     | 42  |
| 118-ғазал. Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод.....              | 49  |
| 119-ғазал. Айламас ҳар навъ бўлсам ул бути раъно писанд.....           | 54  |
| 120-ғазал. Топқали хокий танимға новаки ишқинг кушод.....              | 60  |
| 121-ғазал. Оразинг муштоқидур бу кўзки,<br>бўлмиш дардманд.....        | 65  |
| 122-ғазал. Чекар ун кўнглум, урсанг тийғи бедод.....                   | 70  |
| 123-ғазал. Жилвада ҳусн аҳли ичра кўрмишам бисёр қад.....              | 75  |
| 124-ғазал. Мендин эл ҳар сўз деса,<br>бовар қилур ул сарвақад.....     | 81  |
| 125-ғазал. Йўқки оҳимдин қилибдур тийра бу вайронни дуд.....           | 87  |
| 126-ғазал. Унутмағилки то ҳажр этти бедод.....                         | 92  |
| 127-ғазал. Ваҳки, ҳар соат бўлурмен васлидин етқач навид.....          | 97  |
| 128-ғазал. Иш манга қилмоқдурур ул шўхи бепарвони ёд ...               | 103 |
| 129-ғазал. Зухду тоат шаҳдини аҳли замон кўрмас лазиз.....             | 109 |
| 130-ғазал. Эмас ғамимни ёзар хатқа зарфишон коғаз.....                 | 114 |
| 131-ғазал. Демагил кўйини беному нишонларға малоз.....                 | 119 |
| 132-ғазал. Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур.....                 | 125 |
| 133-ғазал. Парим бўлса, учуб қочсам улустин<br>то қанотим бор.....     | 131 |
| 134-ғазал. Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чоқидур.....             | 137 |
| 135-ғазал. Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли<br>шаккарханд эрур.....    | 142 |
| 136-ғазал. Эл тилидин жонима гар юз боло мавжуд эрур....               | 148 |
| 137-ғазал. Йигласам кўнглумга ишим охи дардолуд эрур.....              | 154 |

|                                                                     |     |
|---------------------------------------------------------------------|-----|
| 138-ғазал. Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур....            | 162 |
| 139-ғазал. Йўқ ажаб, лаълингдин ар<br>беҳудлугум ойн эрур.....      | 167 |
| 140-ғазал. То лабинг шавқидо<br>жисмим ғарқайи хуноб эрур.....      | 173 |
| 141-ғазал. Ул пари кўнгли учун руҳум асиру зор эрур.....            | 178 |
| 142-ғазал. Кўнгулки, ишқидо дерсен боло не бўлғусидур.....          | 184 |
| 143-ғазал. Жафо қилур бари гулчеҳралар, вафо қилакўр....            | 189 |
| 144-ғазал. Жоним ороми учун қосидки жонондин келур.....             | 194 |
| 145-ғазал. Тутулмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир.....            | 199 |
| 146-ғазал. Парийвашим қора бўркини,<br>бир ён эгри қилибдур.....    | 204 |
| 147-ғазал. Кўзи ул юз ўтидин халқ ичини доғ этадур.....             | 210 |
| 148-ғазал. Кундуз ул хуршиди рахшондин<br>кўзумга ёш эрур.....      | 215 |
| 149-ғазал. Телбараб иткан кўнгул ёдимға кирса гоҳлар.....           | 221 |
| 150-ғазал. Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуг жонимдадур.....             | 227 |
| 151-ғазал. Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулўзор.....            | 232 |
| 152-ғазал. Фурқатингдин заъфарон узра<br>тўкармен лолалар.....      | 237 |
| 153-ғазал. Ул малохат шамъидин мундоғки<br>жисмим ёнадур.....       | 243 |
| 154-ғазал. То хаёлинг гаҳ кўнгул,<br>гаҳ кўз аро меҳмон эрур.....   | 248 |
| 155-ғазал. Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули<br>хуррам баҳор.....    | 253 |
| 156-ғазал. Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза<br>қасди жон қилур..... | 259 |
| 157-ғазал. Тарарда ўқдалиғ зулфин мусалсал<br>айлади чинлар.....    | 264 |
| 158-ғазал. Оллим ул ой саждасидин реш эрур,<br>ҳолим будур.....     | 270 |
| 159-ғазал. Тиргузур ҳар дам рақибларни мени ўлтурур.....            | 274 |
| 160-ғазал. Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур.....                   | 279 |
| 161-ғазал. Кўзунг не боло қаро бўлуптур.....                        | 284 |
| 162-ғазал. Кўк ғазоли чунки кофур узра<br>мушқафшон бўлур.....      | 289 |
| 163-ғазал. Ваҳки, майдон азмаға секретти<br>ул чобуксувор.....      | 295 |

|                                                                        |     |
|------------------------------------------------------------------------|-----|
| 164-газал. Ваҳй нозил бўлди ёҳуд ёрнинг пайғомидур .....               | 300 |
| 165-газал. Бармоғи ҳайрат билаким лаъли<br>хандон ичрадур .....        | 305 |
| 166-газал. Қошинг кўздин ниҳон, андин ниҳонроқ<br>холи мушкиндур ..... | 311 |

Илмий нашр

ОЛИМЖОН ДАВЛАТОВ

## МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар

Нашр учун масъул *Равшан Ҳайдаров*

Муҳаррир *Одил Икром*

Саҳифаловчи *Илҳом Жуманов*

Дизайнер *Баҳриддин Бозоров*

Мусахҳиҳ *Шохруз Мўминзода*

Техник муҳаррир *Диёра Абдужалилова*

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.

02.10.2013 йилда берилган.

Босишга рухсат этилди 01.07.2021 й. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

UZ-SchoolBook гарнитураси. Офсет усулида.

Нашриёт босма табағи 16,7. Шартли б.т 16,8.

Адади 15 000 нусха. Буюртма № 771-21.

«Credo Print» МЧЖ

китоб фабрикасида чоп этилди.

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.



ISBN 978-9943-5116-3 7

